

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРОНОВ ШОҲЖАХОН РИЗАМАТ УҒЛИ

**ФОТОЭЛЕКТРИК МОДУЛЛАРНИНГ ЧИҚИШ ПАРАМЕТРЛАРИНИ
ТАШХИСЛАШ ВА БОШҚАРИШ КУП ФУНКЦИЯЛИ
ҚУРИЛМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги
энергия қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

УДК: 621.3.08

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) of technical
sciences**

Давронов Шоҳжаҳон Ризамат ўғли

Фотоэлектрик модулларнинг чиқиш параметрларини таъхислаш ва бошқариш
кўп функцияли қурилмасини ишлаб чиқиш..... 3

Давронов Шоҳжаҳон Ризамат ўғли

Разработка многофункционального устройства диагностики и управления
выходных параметров фотоэлектрических модулей..... 23

Davronov Shokhjakhon Rizamat ugli

Development of a multifunctional device for diagnostics and control of the output
parameters of photovoltaic modules..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРОНОВ ШОҲЖАҲОН РИЗАМАТ ЎҒЛИ

**ФОТОЭЛЕКТРИК МОДУЛЛАРИНИНГ ЧИҚИШ ПАРАМЕТРЛАРИНИ
ТАШХИСЛАШ ВА БОШҚАРИШ КЎП ФУНКЦИЯЛИ
ҚУРИЛМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги
энергия қурилмалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PHD/T704 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Қарши давлат университети ва Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qmii.uz) ва «Ziyoueb» Ахборот таълим порталида (www.ziyoueb.com) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Вардияшвили Афандил Аскарлович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Юлдошев Исроил Абриевич
техника фанлари доктори, доцент

Файзиев Тулқин Амирович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти ҳузуридаги PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «1» Август соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225 уй. Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти конференциялар зали. Тел.: (75) 224-02-89, факс: (99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

Диссертация билан Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 12 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225 уй. Тел.: (99875) 224-02-89, факс: (99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» Октябрь кунин тарқатилди.
(2021 йил «16» Октябрь даги № 4 рақамли реестр баённомаси).



Г.Н. Узakov
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, техника фанлари доктори, проф.
Х.А. Давлонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)
Б. Уришев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қуёш энергиясидан фойдаланишнинг ўрнатилган қувватларнинг экспоненциал ўсиши 2016 йилнинг охирида қайд этилган бўлиб, бу миқдор тахминан 290 ГВтни ташкил этган. Ҳалқаро қайта тикланадиган энергия агентлиги (IRENA) статистикасига кўра, қайта тикланадиган энергия манбалари қуввати бўйича, ҳозирги кунда қуёш энергияси ўзгартиргичларини ишлаб чиқаришда Хитой дунёда етакчиликни эгалламоқда. Кейинги ўринларда Япония, Германия ва АҚШ каби давлатлар жойлашган. Шунингдек, қитъалар кесимида қуёш энергиясидан фойдаланишнинг ўрнатилган қувватлари бўйича Европа 98,8 ГВтдан кўпроқ ва Осиё 92,3 ГВт билан етакчилик қилмоқда. Ҳалқора энергия агентлиги (IEA PVPS)¹ томонидан ўтказилган таҳлилларга кўра, қуёш энергиясидан фойдаланишнинг умумий ўрнатилган қуввати 2019 йил охирида 627 ГВтга етган бўлиб, фотоэлектрик тизимларни ўрнатиш, улар ёрдамида электр энергиясини ишлаб чиқариш йилдан йилга жадал ривожланмоқда. Бундан келиб чиқиб, ўрнатилаётган турли қувватдаги фотоэлектрик тизимлар учун самарадорлиги юқори ҳамда замонавий ахборот технологияларига асосланган, автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда анаънавий технологиялардан фаркли ўлароқ, фотоэлектрик тизимлар ёрдамида электр энергиясини ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда, шу билан бир қаторда уларнинг самарадорлигини ва махсулдорлигини назорат қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада: “Nanjing Normal University”, “National Taiwan University of Science and Technology” университетларида фотоэлектрик тизимларнинг максимал қувват нуқталарини нейрон тармоқлари асосида кузатиш бўйича; Франциянинг “University Savoie Mont Blanc” университетидида фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг махсулдорлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш ва ташхислаш масалалари ҳамда фотоэлектрик тизимларни умумий электр энергия тармоғига интеграция қилиш муаммоларини ўрганиш бўйича; “Polytechnic University of Bucharest”, “University of Liverpool” университетидида фотоэлектрик тизимларнинг иш жараёнидаги қутилмаган носозликларни олдини олиш ва фотоэлектрик тизимларнинг махсулдорлиги ҳамда самарадорликларини башорат қилиш алгоритми ва дастурларини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамызда фотоэлектрик тизимлар электр энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ёқилғи ресурсларини тежаш, замонавий ахборот технологияларига асосланган ўлчов қурилмаларини ва тизимларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422 Қароридида 2030 йилга бориб мамлакатимизда қайта тикланадиган энергия манбалари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси улушини умумий электр энергия ҳажмининг

¹ International Energy Agency. Retrieved 2 May 2020. https://iea-pvps.org/wp-content/uploads/2020/04/IEA-PVPS_Snapshot_2020.pdf

25 фоизига қадар етказиш кўзда тутилган ва муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бунинг асосида Ўзбекистонда қуёш энергиясининг ўрнатиладиган қуввати 2030 йилга бориб 4 300 МВтдан кам бўлмаслиги таъминланиши кўзда тутилган, шу жиҳатдан қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш ва фотоэлектрик ўзгартиргичлардан самарали фойдаланиш соҳасидаги фундаментал ва амалий изланишлар натижасида янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари соҳасини янада ривожлантириш муҳим вазифа ҳисобланади. Фотоэлектрик тизимларнинг электр энергия ишлаб чиқаришини реал вақт мобайнида масофадан туриб атроф муҳит параметрларини инobatга олган ҳолда, назорат қиладиган ва ташхислайдиган қурилмаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Мамлакат иқтисодиётининг ресурс ва энергия интенсивлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш соҳаларига энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майдаги УРҚ №539 “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПК-4422-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа мейёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши буйича тадқиқотлар фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ривожлантириш, нанотехнологиялар, фотоника ва бошқа замонавий илғор технологиялар асосида қурилмалар ва технологияларни яратиш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг чиқиш параметрлари ва ташқи омиллар таъсирини мониторинг ва ташхислаш қурилмаларини яратишнинг илмий-техник ечимларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар билан хорижда қуйидаги олимлар А.И. Отто, С.В. Дякин, П.Н. Кузнецов, А.В. Козлов, Р.У. Гимазов, Ал Журни Раҳад Али Маджид, Тхеин Лин У, Нян Линн Аунг шуғулланишган.

Республикада муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, фотоэлектрик модулларнинг электр энергиясини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш жараёнини ташхислаш буйича тадқиқотлар Р.А. Муминов, М.Н. Турсунов, Н.А. Матчанов, И.А. Юлдошев, Х. Собиров, Р.Р. Қобулов, С.А. Орлов, А.Ф. Комилов ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида фотоэлектрик ўзгартиргичларни тадқиқ қилиш муаммолари, уларнинг чиқиш параметрларини ташхислаш, атроф муҳитнинг иқлим кўрсаткичлари, мониторинг тизимлари ва фотоэлектрик тизимлар параметрларини комплекс ўлчаш учун аппарат-дастурий таъминотлар яратиш масалалари етарлича кўриб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ва ОТ-Атех-2018 (517+513+362) «Фотоэлектрик тизимларни марказий электр тармоғига интеграция қилиш – 2018-2020 йиллар» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фотоэлектрик модулларнинг чиқиш параметрларини ва ташқи таъсир омилларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш, бошқариш ва мониторинг қилишни амалга оширадиган дастурий таъминотли қўп функцияли қурилма ишлаб чиқиш ва яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг вольт-ампер характеристикаларини, шунингдек фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг маҳсулдорлигига таъсир этувчи атроф-муҳит параметрларини ўлчаш имконини берадиган қўп функцияли қурилмасини ишлаб чиқиш, яратиш ва синовдан ўтказиш;

фотоэлектрик модулнинг чиқиш параметрларини ҳамда атроф-муҳит параметрларини аниқлаш ва ташхислаш имконини яратадиган дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва апробациядан ўтказиш;

фотоэлектрик модулларнинг ток ва кучланишни ўлчаш имконини берувчи, маълумотларни масофавий серверга симсиз узатишни амалга оширадиган қурилмани ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш;

реал вақт мобайнида маълумотларни таҳлил қилиш ва сақлаш учун масофавий серверга симсиз узатишни амалга оширадиган дастурий таъминот яратиш ва апробациядан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти фотоэлектрик модуллар ва улар негизидаги тизимлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети фотоэлектрик тизимларни ташхислаш ва бошқаришни амалга ошириш имконини берадиган аппарат ва дастурий таъминот ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифани бажаришда умум эътироф этилган электр ўлчаш жараёнларида экспериментал тадқиқот усуллари ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш, электротехника назарий асослари, ҳисоблаш жараёнларини тизимлаштириш усуллари ва дастурлаш технологияларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир вақтнинг ўзида фотоэлектрик модулнинг вольт-амперли характеристикасини ўлчаш, мониторинг ва ташхис учун ташқи модуллар сигналларини қайта ишлаш имконини берадиган электрон юкламали ҳамда ўрнатилган аналогли-рақамли ўзгартиргич асосида ўлчаш, ҳисоблаш, узатиш

каби функцияларни ўзида мужассамлаштирган кўп функцияли қурилма ишлаб чиқилган;

микронтроллерли қурилмалар учун атроф-муҳит параметрлари таъсирини инобатга олган ҳолда, фотоэлектрик модулларнинг асосий чиқиш параметрларини ҳисоблаш, максимал қувват нуқтасини қидириш ва аниқлаш имконини берадиган дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

реал вақт мобайнида ҳудудий чекловларсиз узоқ масофадан туриб фотоэлектрик тизимларнинг чиқиш параметрларини назорат қилиш имконини берадиган, GPRS технологияси бўйича маълумотларни симсиз узатишни амалга ошириш имконини берадиган қурилма ишлаб чиқилган;

ўлчанган маълумотларни қайта ишлаш, маълумотларни TCP/IP протоколи бўйича масофадаги ахборот хавфсизлиги таъминланган серверларда сақлаш ва реал вақт мобайнида маълумотларни қайта ишлаш ва икки томонлама маълумот алмашинувини таъминлаш имконини берадиган алгоритм ва дастурий таъминот ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

фотоэлектрик модулларнинг чиқиш параметрларини мониторинг қилиш ва таъхислаш, автоном фотоэлектрик тизимлар самарадорлигини назорат қиладиган ва уларга таъсир этадиган омилларни аниқлаш имконини берадиган қурилма ишлаб чиқилган;

фотоэлектрик модулларнинг волт-ампер характеристикасини 256 нуқтада ўлчашни амалга оширадиган ва максимал қувват нуқтасини аниқлайдиган дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

интернет тармоғи орқали алоқа операторлари таянч станциялари ёрдамида фотоэлектрик тизимлар ҳолатини масофавий назорат қилиш имконини берадиган қурилма ва дастурий таъминот ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий воситалар ва тадқиқот усулларидан фойдаланган ҳолда табиий шароитларда олинган кўпсонли экспериментал маълумотлар, рақамли ҳисоблашлар экспериментал маълумотлар билан миқдор ва сифат жиҳатидан мувофиқлиги асосланган, шунингдек мустақил ва бир-бирини тўлдирувчи ўлчов усулларидан фойдаланиш ва маълумотларни қайта ишлаш, ҳамда экспериментал маълумотларнинг ишончилиги ва аниқлиги, хатоликлар даражаси ва нисбий таҳлиллар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти максимал қувват нуқтасини топиш ва фотоэлектрик модулларнинг чиқиш параметрларини аниқлаш дастурий таъминот алгоритми, фотоэлектрик модулларнинг чиқиш параметрлари маълумотларини симсиз узатиш алгоритми ва фотоэлектрик модулларнинг волт-ампер характеристикасини ўлчаш учун электрон схема ишлаб чиқиши, фотоэлектрик модулларнинг параметрларини ҳисоблашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, олинган натижалар фотоэлектрик модулнинг махсулдорлигини олдиндан аниқлаш учун таъсир этувчи омиллар қийматларини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, фотоэлектрик модулларнинг иш

ҳолатини масофадан туриб мониторинг қилиш ва таъхислашни амалга ошириш, доимий ток ўзгартиргичи орқали чиқувчи кучланишни бошқариш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фотоэлектрик модулларнинг чиқиш параметрларини таъхислаш ва бошқариш кўп функцияли қурилмасини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фотоэлектрик модулларнинг волт-ампер характеристикаларини ва атроф-муҳит параметрларини ўлчаш ва реал вақт мобайнида масофавий серверга узатиш имконини берадиган кўп функцияли автоном ўлчов ва масофадаги серверга маълумотларни симсиз узатиш қурилмалари ишлаб чиқилган, ҳамда уларни фотоэлектрик тизимда жорий қилиш натижасида 19 426 000 сўм иқтисодий самарадорликка эришилган (“UZELTEXSANOAT” уюшмасининг 2020-йил 23-декабрдаги №04-1/2409-сон маълумотномаси);

Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда бажарилган «Ярим ўтказгичли халкопиритлар синтез асосларини фундаментал ўрганиш, ҳамда улар асосидаги фотоэлементларнинг самарадорлиги ва махсулдорлигини ошириш» номли фундаментал лойиҳасининг назарий тадқиқотларида диссертация ишининг, “фотоэлектрик модулларнинг махсулдорлигини мониторинг қилишни амалга ошириш учун автоном кўп функцияли ўлчов қурилмаси”, “фотоэлектрик тизимлар учун кўп каналлик ўлчов қурилмаларининг дастурий таъминоти”, “кетма-кет портлардан узатиладиган маълумотларни ўқиш ва *.csv файлига ёзишнинг дастурий таъминоти” қурилмаси ва дастурий таъминотларидан фойдаланиш натижасида, $Cu(In,Ga)Se_2$ дан ташкил топган CIGS фотоэлектрик модулнинг волт-ампер характеристикаси ўлчанган ва турли об-ҳаво шароитларида модулнинг фойдали иш коэффициенти максимал қийматлари аниқланган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика Вазирлигининг 2021 йил 13 август № 04-26-4404 маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий натижалари 17 та илмий ишда жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола нашр этилган. Дастурий таъминотлар учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан 3 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 116 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари

ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг жорий қилиниши ва ишнинг апробацияси, шунингдек диссертация ҳажми ва тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ўлчов қурилмаларини ишлаб чиқишнинг мавжуд усуллари таҳлили, ўлчов қурилмаларининг характеристикалари, ва фотоэлектрик модулларнинг вольт-ампер характеристикасини ўлчаш усуллари**” га бағишланган **биринчи бобида** диссертация мавзусига оид адабиётлар таҳлили келтирилган. Фотоэлектрик модулларнинг чиқиш параметрларини бошқариш ва ташхислаш учун қўлланиладиган ўлчов қурилмаларига шарҳ бериб ўтилган. Ўзбекистон Республикасида қайта тикланадиган энергия манбаларининг ривожланиш босқичлари ва истикболлари ёритилган. Фотоэлектрик тизимларни марказий электр тармоғи билан боғлашнинг афзалликлари ва интеграллашган тизимларни ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилган. Фотоэлектрик модулнинг чиқиш параметрларини ҳисоблаш ва ўлчов қурилмаларини ишлаб чиқиш усуллари таҳлиллари келтириб ўтилган. Фотоэлектрик модулларнинг вольт-ампер характеристикаларини ўлчаш усуллари таҳлили классификацияси таҳлил қилинган. Фотоэлектрик модулларнинг параметрларини ҳисоблаш ва фотоэлектрик модулларга таъсир этувчи ташқи омиллар аниқланган.


Диссертациянинг “**Фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг чиқиш параметрларини ўлчаш усуллари, компонентларини танлаш ва асослаш ҳамда фотоэлектрик модулнинг параметрларини ташхислаш учун ўлчов қурилмасини яратиш**” номли **иккинчи боби** фотоэлектрик модулларнинг чиқиш параметрларини ўлчаш усуллари таҳлили ва асослашга бағишланган. Фотоэлектрик модулларнинг максимал қувват нуқтасини излаш ва аниқлаш алгоритми ҳамда фотоэлектрик модуллар ишлаб чиқариш маҳсулдорлигига атроф-муҳит параметрларининг таъсирларини аниқлаш усули.

Муайян қурилманинг дастурига киритилган вазифаларни бажариш учун мўлжалланган электрон қурилмалар - бу ўрнатилган тизимлар ҳисобланади. Шундай қилиб, ўрнатилган тизимлар аппарат ва дастурий таъминотнинг комбинацияси бўлиб, ундан муайян соҳани автоматлаштириш вазифаларини ҳал этиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Аппарат таъминотнинг кўпгина функцияларидан фойдаланиш учун ҳар бир ўрнатилган тизимнинг аппаратли таъминот қисми дастурий таъминот қисми билан боғлиқ бўлиши лозим. Ушбу ҳолатда, дастурий таъминот ишлаб чиқиш муҳити Arduino IDE бўлиб, C++ дастурлаш тилига асосланган.

Тадқиқот ишида ATmega2560 микроконтроллери, ардуино mega2560 платформасида қўлланилган (1-а) расмга қаранг). Ардуино mega2560 қўлланилишидан мақсад, у ATmega8 ёки ATmega16 микроконтроллерларга нисбатан бир қанча афзалликларга ва уларга қараганда кўпроқ аналог ва рақамли портларга эга. Шунингдек, ушбу микроконтроллер маълумотларни кетма-кет узатувчи 4 та TTL учун UART портларига эга.

10



1-расм. Arduino mega2560 платформаси ва атроф-муҳит параметрларини ўлчаш модуллари

Пиранометр қуёш радиациясини ўлчаш учун мўлжалланган турли хил датчиклардан бири ҳисобланади. Пиранометр модули бошқа ўлчов модулларига нисбатан аниқлик даражаси юқори бўлганлиги сабабли кўплаб халқаро лабораторияларда, илмий тадқиқотларда ва фотоэлектрик тизимларида қуёш радиациясини ўлчаш мақсадида ишлатилади. Тадқиқот мобайнида қуёш радиациясини ўлчашда, Kipp&Zonen нинг SMP11 пиранометр модулдан фойдаланилган (1- б) расмга қаранг). Ишлаш ҳарорати -40°C дан $+80^{\circ}\text{C}$ гача бўлган оралиқда, қамраб олиш бурчаги 180° , $1000\text{W}/\text{m}^2$ эгилишдаги хатолиги 0° дан 90° гача $0,2\%$ ташкил этади ва сезгирлиги 7 дан $14\text{ мкВ}/\text{W}/\text{m}^2$.

DHT22 рақамли датчиги ёрдамида ҳаво ҳарорати ва нисбий намлик ўлчовлари амалга оширилган (1- в) расмга қаранг). Атроф муҳит ҳарорати ва нисбий намликни ўлчаш датчиги аниқлиги $\pm 0,5^{\circ}\text{C}$ ва $\pm 1\%$ ни ташкил этади. Ҳароратни ўлчаш оралиғи -40°C дан 80°C гача ва ҳавонинг нисбий намлигини ўлчаш оралиғи 0% дан 100% гача бўлган қийматларни ташкил этади.


Ҳаво ҳарорати тўғридан тўғри фотоэлектрик ўзгартиргичларга таъсир кўрсатади ва унинг таъсирини аниқлаш мақсадида фотоэлектрик модуллар DS18B20 ҳарорат датчиклари билан жиҳозланган (1- г) расмга қаранг). Ушбу датчик 5 вольт қувватни орқали қувватланади, унинг ҳарорат ўлчаш оралиғи -55°C дан $+125^{\circ}\text{C}$ гача ва огоҳлантириш функциясига эга. DS18B20 бир симли шина орқали уланади, марказий микропроцессорга уланиш учун фақат битта маълумотлар линиясини талаб этилади. Бундан ташқари, DS18B20 датчиги энергияни тўғридан тўғри маълумотларни узатиш линияси орқали олиши мумкин, шу билан ташқи қувват манбаига бўлган эҳтиёжни йўқотади.

Шамол тезлигини аниқлаш мақсадида, Германияда ишлаб чиқарилган Thiesclima компаниясининг анемометр ўлчов қурилмасидан фойдаланилган (1-д) расмга қаранг). Шамол тезлигини ўлчаш оралиғи $0,5$ дан 50 м/с ни

ташқил этади, аниқлиги ўлчанаётган қийматдан $\pm 0,5$ м/с ёки $\pm 3\%$ ва бошланғич тезлик 0,5 м/с ни ташқил қилади.

Фотоэлектрик ўзгартиргичларга боғлиқ бўлган синов-тажрибаларни ўтказишда, фотоэлектрик ўзгартиргичларга таъсир кўрсатадиган омилларнинг параметрларини ўлчаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. 2- а) расмда кўп функцияли ўлчов қурилмасига уланган, атроф-муҳит параметрларини ўлчайдиган модуллар ва датчикларнинг жойлашуви келтирилган қурилма кўрсатилган.

Кўп функцияли ўлчов қурилмаси таркибий элементлари ва уларнинг ўзаро алоқаси принципиал схемада келтирилган (2-б) расмга қаранг).




2-расм. Ўлчовлар ўтказилган қурилма ва кўп функцияли ўлчов қурилмасининг асосий таркибий модулларининг принципиал схемаси

Фотоэлектрик модулларнинг вольт-ампер характеристикаларини ўлчашнинг асосий тамойили, қисқа ток туташуви (I_{sc}) ва салт юриш кучланиши (V_{oc}) орасида бериладиган токни бошқаришга асосланади. Бунинг учун турли хил усуллар таклиф этилган: ўзгарувчан резистор, сиғимли юклама, электрон юклама, биполяр қувват кучайтиргичи. Бироқ фотоэлектрик модулларнинг вольт-ампер характеристикаларини ўлчашда ўлчов ҳажми, тезлиги, такрорийлиги, нархи, аниқлик ва фойдаланиш енгиллиги.

Вольт-ампер характеристикаларини ток ва кучланишининг ҳар хил нуқталаридаги кўпайтмаси ташқил қилади. Вольт-ампер характеристикаларининг иш нуқтаси деб, юкламага узатиладиган максимал қувват нуқтаси ҳисобланади. Фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг максимал қувват нуқтасини излаш ва кузатишнинг кўпгина усуллари мавжуд. Ҳозирда сотувда, фотоэлектрик модулларнинг махсулдорлигини ошириш учун максимал қувват нуқтасини кузатиш қурилмаларининг турли хил вариантлари мавжуд, лекин уларнинг қанчаси қўйилган вазифани тўлақонли бажариши номаълум.

Дунёда, “Petrubation and observation” (P&O) (3- а) расм) ва “Incremental conductance” (INC) (3- б) расм) алгоритмларини амалга ошириш қулай бўлганлиги учун улар, тижорат мақсадларида кенг фойдаланилади. Аниқлик

даражаси паст бўлган фотоэлектрик тизимларда максимал қувват нуқтасини кузатиш “constant voltage” ва “short-current pulse” усулларидадан фойдаланилади. Амалга ошириш учун ушбу усуллар арзон ва кўп датчиклар талаб қилмайди деб ҳисобланади.



3-расм. “Petrubation and observation” ва “incremental conductance” алгоритмлари блок-схемаси


P&O ва INC алгоритмлари орасидаги солиштирувлар шуни кўрсатдики, P&O алгоритмининг самарадорлиги 95% ни ва INC алгоритмининг самарадорлиги эса 98,2% ташқил этади. Фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг максимал қувват нуқтасини кузатиш учун келтирилган P&O ва INC алгоритмлари энг оптималлари ҳисобланади. Ушбу алгоритмлар доимий ток ўзгартиргичлари схемалари асосида амалга оширилади, чунки улар ушбу алгоритмлар қўлланилишида фойдаланилади.

Кўп функцияли ўлчов қурилмаси дастурий таъминоти кетма-кетликда бажарилади, модул ва датчикларга мурожаат қилиши учун биринчи кутубхоналар таниб олинади, кейин ўзгарувчилар ва уларнинг бошланғич қийматлари таниб олинади. Кўрсатилган портлар, компьютер билан маълумот алмашинуви тезлиги ва таймерларни ишга тушириш бир марта қурилма қўшилишида функция танасида активлаштирилади. Сўнгра асосий цикл бажарилади, маълумотларни қайта ишлаш учун аналог ва рақамли портларга сўров юборилади.

Ишлаб чиқилган алгоритм бўйича дастур параметрларни ўлчашга сўров жўнатади, кейин ўлчанган маълумотлар асосида фотоэлектрик модулнинг максимал қувват нуқтаси, фойдали иш коэффициенти ва тўлдириш коэффициенти ҳисобланади (4-расмга қаранг).

Фотоэлектрик ўзгартиргичларга таъсир кўрсатадиган омилларни ўлчаш, асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Атроф-муҳитнинг таъсир этувчи омилларини ўлчаш услуби унинг ўлчаш кетма-кетлигидадир. Синов-тажриба жараёнларида, вольт-ампер характеристикаларини ўлчаш биринчи биринчи навбатда бажарилиши лозим деган хулосага келинган, сўнгра қуёш радиацияси, шамол тезлиги, ҳавонинг нисбий намлиги, ҳаво ҳарорати ва фотоэлектрик модулнинг ҳарорати каби ташқи таъсир этувчи омиллар

Ўлчаниши лозим. Ўлчовларнинг бундай кетма-кетликда бажарилиши атроф-муҳит параметрларининг чизикли ўзгаришидадир ва бу кетма-кетлик ўлчовлар аниқлигини оширади. Фотоэлектрик модулнинг ҳарорати иккита датчик билан ўлчанади ва модул ҳарорати, датчиклар кўрсаткичларининг ўртача қийматидан ҳисобланади.




4-расм. Ўлчов қурилмасининг максимал қувват нуқтасини топиш дастурий таъминот алгоритми

Қурилмаларга Интернетга чиқиш ва маълумотларни жўнатиш имконини берадиган умумий пакет радиоалоқа хизмати (GPRS) технологияси асосида, тармоқ ҳолатини мониторинг қилиш учун масофадаги серверларга фотоэлектрик тизимлар маълумотларини узатиш қурилмасини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади. Бу сигналларни қайта ишлайдиган ортиқча қурилмалар ва масофа билан боғлиқ муаммоларни ечишга ёрдам беради. Қурилмага Интернетга тўғридан тўғри чиқиш имконини бериб, биз уни нарсалар интернетга (IoT) тармоғининг бир қисмига айлантираемиз. Ушбу йўналиш ахборот технологиялари соҳасида тез ривожланаётган йўналишлардан бири ҳисобланади.

Фотоэлектрик тизимларнинг ҳолатини масофадан туриб мониторинг қилиш, айниқса тақсимланган генерация тармоқлари учун муҳимдир, тармоқлардаги авария ва носозликларни олдини олиш мақсадида ишлаб чиқариш тизимнинг иш жараёнини мониторинг ва таҳлил қилиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Қуёш энергетикасига ўтиш билан бир қаторда, фотоэлектрик тизимларнинг ҳам ҳолатини мониторинг қилиш

эҳтиёжи пайдо бўлди. Аксарият ҳолларда масофадан туриб мониторинг қилиш имконини бермайдиган, локал мониторинг қилиш воситаларидан фойдаланилган. Шу сабабга кўра, фотоэлектрик тизимларнинг самарадорлигини масофавий мониторинг қилиш ва ташхислаш мақсадида маълумотлар алмашинуви учун симсиз технологияларни қўллаш кенг ривожланмоқда.



5-расм. Узатиш қурилмасини доимий ва ўзгарувчан токни ўлчаш учун фотоэлектрик тизимга улаш


Таклиф этилаётган қурилманинг устунлиги унинг қўлланилиш универсаллигидадир. Қурилмани шундай ишлаб чиқиш мумкинки, у доимий ва ўзгарувчан токни ўлчаш имкониятини беради. Фотоэлектрик тизимларга қурилмани максимал қувват нуқтасини кузатиш контроллеридан чиқишда ёки доимий токни ўзгарувчан токга айлантирадиган инвертордан чиқишда улаш мумкин (5-расмга қаранг).

Жараёнларни масофадан туриб мониторинг қилиш усули сифатида GPRS маълумотларни узатиш технологияси ҳисобланади. Ушбу технология Интернетга маълумотларни TCP/IP протоколи бўйича жўнатади ва маълумотларни сақлаш масофадаги серверларда амалга оширилади, бу ўз навбатида Интернет тармоғи орқали маълумотларга исталган жойдан туриб исталган қурилмадан кириш имконини беради.

Диссертациянинг “Фотоэлектрик модулнинг чиқиш параметрларини ташхислаш ва бошқариш кўп функцияли қурилмасини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўлчов натижаларини, техник параметрларини асослаш” номли учинчи бобида тавсия этилган мониторинг ва ташхислаш тизимининг умумий характеристикалари, таркибий қисмлари, ишлаб чиқилган қурилмаларнинг электрон схемалари ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш муҳити, симсиз маълумотларни узатиш қурилмаси, ўлчов қурилмаси синов-тажриба давомида табиий шароитда олинган ўлчов натижалари, қурилманинг қиёсий синовлари ва симсиз маълумотларни узатиш тизимидан фойдаланишнинг иқтисодий асослари тақдим этилган.

Таклиф этилган қурилма ҳаво ҳарорати ва нисбий намликни, фотоэлектрик модул ҳарорати, қуёш радиацияси, шамол тезлиги, ток ва фотоэлектрик модулнинг максимал қувват нуқтасини топишни мониторинг қилади. Фотоэлектрик модулларнинг волт-ампер характеристикалари ва бошқа параметрларини ўлчаш, уларни атроф-муҳитнинг ўзгарувчан шароитларида ўрганиш имконини беради.

Қурилма автоном бўлиб, ўрнатилган аккумуляторлар орқали электр энергияси билан қувватлантирилади. Ҳарорат датчиги DS18B20 рақамли киритиш/чиқариш портлари орқали микроконтроллер сигналларини қабул қилиб олади ва уларни Целсий даражаларига айлантиради. Атроф-муҳит характеристикаларини ўлчаш учун DHT22 рақамли модулидан фойдаланилган, у ҳарорат ва нисбий намликни ўлчайди. Шамол тезлиги ташқи рақамли анемометр датчиги ёрдамида ўлчанади.



6-расм. Кўп функцияли қурилмада ишлатиладиган, волт-ампер хусусиятларини ўлчаш қурилмасининг электрон схемаси

6-расмда ишлаб чиқилган ва кўп функцияли қурилмада қўлланилган, фотоэлектрик модулларнинг волт-ампер характеристикаларини ўлчайдиган электрон схема келтирилган. Юқоридаги электрон схема фотоэлектрик модулнинг волт-ампер характеристикаларини ўлчашни амалга оширади. Волт-ампер характеристикаси ўлчов блоки қуйидаги тарзда ишлайди: компютердан сигнал қабул қилинганда, микроконтроллер маълум бир рақамли портга сигнал юборади ва тўрт разрядли иккилик ҳисоблагичлари ишга туширилади, улар орқали сигналлар калитларга жўнатилади, калитлар ўз навбатида қаршилиқлар орқали фотоэлектрик модулнинг юкларини бошқаради. Олинандиган ток ва кучланиш қийматлари рақамли сигналлар шаклида ўлчанади, дастур томонидан қайта ишланади ва сақлаш учун керакли катталикларга айлантирилади. Ҳар бир ўлчов цикли микроконтроллер буйруғи билан амалга оширилади ва ҳар бир цикл ток ва кучланишни ўлчаш учун 256 қадамга эга.

Микроконтроллерда ёзилган дастур коди фотоэлектрик модулнинг волт-ампер характеристикаларини ўлчаш, фойдали иш коэффициентини ва

тўлдириш коэффициентини ҳисоблаш, максимал қувват нуқтасини топиш каби вазифаларни бажаради.

Алгоритм 256 нуқтадаги волт-ампер характеристикаларини ўлчайди ва тўлиқ ўлчовни амалга ошириши учун 10 сония вақтни талаб этади. Қувватни ўлчаш цикли давомида, алгоритм ҳар бир қийматни таққослаш орқали маълумотлар базасига ёзишни амалга оширади. Таққослашда, агар ўлчанган қувват аввалгисидан каттарок бўлса, унинг қиймати алоҳида ўзгарувчига максимал қувват нуқтаси сифатида ёзилади, ўзгарувчининг қиймати ҳар сафар қайд этилган қийматдан юқорисига янгиланади. Ўлчовлар, цикл 256 нуқтада тўлиқ тугаганда тўхтатилади, барча қувват қийматлари реал вақтда маълумотлар базасида сақланади ва охириги сатрга волт-ампер характеристикасини ўлчаш вақтида олинган барча параметрлар маълумотлари киритилади. Кўп функцияли ўлчов қурилмаси турли модул ва датчиклардан иборат (7-расмга қараң). Синовлар 9,5 ватт максимал қувватига эга бўлган CIGS фотоэлектрик модулида ўтказилган.

Олинган барча ўлчов маълумотлари *.csv файллар шаклида маълумотлар базасида сақланади, чунки ушбу форматдаги файллар осон таҳрир қилинади ва бошқа дастурий таъминотлар билан ҳам осон бирлашиш имкониятига эга.



7-расм. Кўп функцияли мониторинг ва таҳислаш қурилмаси ва ўлчовлар ўтказилган иккита CIGS фотоэлектрик ўзгартиргичлари билан жиҳозланган мослама

Шунингдек, тадқиқот ишида фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг доимий ток ўзгартиргичли максимал қувват нуқтасини кузатишнинг муқобил электрон схемаси ишлаб чиқилган. Таклиф этилган электрон схема, 6-расмдаги электрон схемадан фарқи, у волт-ампер характеристикаларини ўлчайди ва максимал нуқтадаги қувватни юкларга тўғридан-тўғри доимий ток ўзгартиргичи орқали узатади, бунинг натижасида фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг маҳсулдорлиги ортади ва аккумулятор батареяларининг қувватланиши тезлашади. Ушбу турдаги электрон схемалардан фотоэлектрик тизимларнинг аккумулятор заряди контроллерлари сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.


Тадқиқот ишида шунингдек, фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг чиқувчи ток ва кучланишини ўлчаш имкониятига эга маълумотларни симсиз узатиш учун мўлжалланган қурилма таклиф этилган. Қурилма, микроконтроллер, GSM/GPRS модули, ток ва кучланишни ўлчаш модуллари ва маълумотларни кўрсатиш учун суюқ кристалли дисплей (LCD) лардан ташкил топган.

Волтметр ва амперметр қўйилган вазифадан келиб чиқиб, доимий ёки ўзгарувчан ток ва кучланишни ўлчаш имкониятини беради. Ўлчовлар амалга оширилгандан сўнг, сигналлар қайта ишлаш учун микроконтроллерга юборилади. Микроконтроллерга уланган GPRS модули ёрдамида маълумотлар сақлаш учун серверга жўнатилади ва дунёнинг исталган нуқтасидан маълумотларга кириш мумкин бўлади.

Фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг волт-ампер характеристикалари тажрибалари ва ўлчовлари ўтказилган ва қуйидаги қонуниятлар аниқланган. I_{sc} ва V_{oc} каби ток ва кучланишнинг асосий параметрларини баҳолаш учун жуда кўп нуқталар талаб қилинмайди, I_{mp} атрофидаги нуқталар етарли бўлмаган ҳолатда, V_{mp} қийматини тўғри аниқлаш учун интерполяция қўлланилиши лозим, бунда максимал ноаниқлик $\pm 0,5\%$ дан ошмаслиги керак. Электрон юклар яримўтказгичли қурилмаларига асосланган ва кичик, аммо нол бўлмаган минимал қаршилиқларга эга. Шундай қилиб, қисқа туташув рўй бермайди ва I_{sc} топиш учун волт-ампер характеристикасини салт юриш кучланишигача экстраполяция қилиш керак. Ўтказилган ташқи синов-тадқиқотлардан келиб чиқиб, волт-ампер характеристикаси кетма-кет ўлчамлари орасидаги вақт оралиғи 10 дақиқадан ошмаслиги лозим.

Вақт катта аҳамиятга эга бўлади, қачонки ўлчаш частотаси юқори бўлганида, чунки R_{mp} ни ўлчаш вақтида модуллар ишламайди. Агар модулнинг ҳақиқий ҳарорати берилган бўлса, эгри чизикнинг ёйилиш вақти, волт-ампер характеристикасини кетма-кет ўлчаш оралиғидан анча қисқа бўлиши керак, айниқса агар фотоэлектрик модуллар қуввати марказий тармоқга узатилаётган бўлса.


Мониторинг ва ташхислаш тизимининг синов-тажриба натижалари кўп функцияли қурилма ёрдамида ўлчанган. Йилнинг турли кунларида табиий об-ҳаво шароитларида кўп сонли ўлчовлар ўтказилган ва 8-расмда қуёш радиациясининг турли даражаларида фотоэлектрик модулларнинг волт-ампер ва волт-ватт характеристикалари келтирилган.



8-расм. Олинган фотоэлектрик модулнинг волт-ампер (а) ва волт-ватт (б) характеристикаларининг графиклари (20.02.2020)

Фотоэлектрик модул ва фотоэлектрик иссиқлик модулнинг салт юриш кучланиши қийматлари ва шамол тезлигининг кун давомидаги ўзгаришлари графиклари 9-расмда келтирилган. Ушбу ўлчовлар иссиқ об-ҳаво шароитида шамол тезлигининг ортиши билан фотоэлектрик модулларнинг юза қисми


ҳарорати пасайиши, унинг махсулдорлигини ортишига олиб келиши мумкинлиги билан тушунтирилади. Шундай қилиб, шамол тезлигини фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг махсулдорлигига таъсир этувчи ташқи омиллардан бири ва уни ўлчаш муҳим ҳисобланади.



V_{oc} – салт юриш кучланиши, W_s – шамол тезлиги

9-расм. Кун давомида фотоэлектрик ўзгартиргич (а) ва фотоэлектрик иссиқлик ўзгартиргичининг (б) салт юриш кучланишлари, шамол тезлиги ўзгариши динамикаси графиклари (03.08.2019)


10 – а) расмда салт юриш кучланиши ва ҳаво ҳарорати келтирилган, расмда кўриш мумкинки, ҳаво ҳарорати ортиши билан модул кучланиши камаяди. 10 – б) расмда CIGS фотоэлектрик модули максимал қувват нуқтасидаги ток ва кучланиш қийматларининг кун давомида ўзгариши графиги берилган. Максимал қувват нуқтасидаги ток ва кучланиш қийматларини ўлчаш, қундузги вақтда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг актив фазасини аниқлаш имконин беради ва ушбу маълумотларга асосланган ҳолда фотоэлектрик тизимлар электр энергиясини ишлаб чиқарилиши чўққисига етиши мумкин бўлган вақтларни олдиндан билиш имконини беради.



V_{mp} – максимал қувват нуқтасидаги кучланиш, I_{mp} – максимал қувват нуқтасидаги ток, V_{oc} – Салт юриш кучланиши, $Temp_a$ – ҳаво ҳарорати

10-расм. Фотоэлектрик модулнинг салт юриш кучланиши ва ҳаво ҳарорати графиги (а), фотоэлектрик модулнинг максимал қувват нуқтасидаги ток ва кучланиш қийматлари графиги (б) (03.08.2019)


11-расмда атроф-муҳит ҳарорати ва фотоэлектрик модул ҳарорати ўзгариш динамикаси келтирилган. Батафсил ҳарорат ўлчовлари фотоэлектрик тизимлар маҳсулдорлигига ҳарорат таъсирини аниқроқ билишни, тармоқга уланган фотоэлектрик тизимларнинг ишлашини олдиндан тўғри аниқлашни ва юқламани узлуксиз тақсимлаш имконини беради. Фотоэлектрик модул ҳарорат градиенти ва фотоэлектрик иссиқлик модули ҳар хил эканлигини кўриш мумкин. Фотоэлектрик иссиқлик ўзгартиргичининг икки қисмида ҳарорат фарқи модул орқасидаги сувлик совутиш тизими мавжудлиги билан изоҳланади.



Temp_a - ҳаво ҳарорати, PV_t - фотоэлектрик модулнинг юқори қисми, PV_d - фотоэлектрик модулнинг пастки қисми, PVT_t - фотоэлектрик иссиқлик ўзгартиргичининг юқори қисми, PVT_d - фотоэлектрик иссиқлик ўзгартиргичининг пастки қисми

11-расм. Кун давомида ҳарорат динамикасининг ўзгариши (03.08.2019)

Таклиф этилаётган қурилма фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг чиқиш параметрларини ўлчайди, шунингдек бир вақтнинг ўзида фойдали иш коэффициенти ва тўлдириш коэффициенти ҳисоблайди. Ушбу параметрларни ҳисоблаш реал вақт мобайнида носозликлар ва фотоэлектрик тизимларнинг маҳсулдорлиги пасайиш сабабларини аниқлаш имконини беради.



12-расм. Иккита қурилма ёрдамида таққослаш учун кун давомида ўлчанган V_{sc} - салт юриш кучланиши (а) ва I_{sc} - қисқа туташув токи (б) қийматлари (25.02.2020)

Волт-ампер характеристикаларини аниқлаш учун ўлчовлар яратилган кўп функцияли қурилма ва тижорат қурилмасида бажарилган. Солиштирув ўлчовлар учун Prova210 тижорат қурилмасидан фойдаланилган. Ўлчовлар бир вақтнинг ўзида иккита қурилма ёрдамида минимал вақт фарқи билан ўтказилган. 12-расмда салт юриш кучланиши ва қисқа туташув токини ўлчаш натижаларида олинган қийматларининг графикалари келтирилган.

Кўп функцияли қурилма тўлиқ иш қобилиятига эга ўлчов қурилмаси ва кичик хатоликларга эга, фотоэлектрик модулнинг чиқиш параметрларининг аниқлик даражаси R^2 усули билан ҳисобланган. Тижорат қурилмаси ва кўп функцияли қурилма билан ўлчанган фотоэлектрик модулни чиқиш параметрларининг ўртача нисбий хатоликлари 0,7% дан 3,1% гача бўлган қийматларни ташкил қилади.

Симсиз маълумот узатиш қурилмаси GSM ва GPRS маълумотлар узатиш технологияларини ўз ичига оладиган SIM900 модули билан жиҳозланган. Ушбу иккита технологияларнинг фарқи, маълумот узатиш усули ва алоқа операторига нисбатан нарх туркуми билан изоҳланади. Ўлчов қурилмаларини ишлаб чиқишда асосий омиллардан бири бу маълумотларни узоқ масофага узатишдаги бўлган ҳаражатлар. Шундай қилиб, GSM/GPRS модулини қўллаш, таклиф этилаётган фотоэлектрик модуллар ҳолатини мониторинг қилиш тизими билан асосланади.

GSM маълумотларни узатиш технологияси ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 37% ни сарфлайди, ўз навбатида GPRS технологияси бўйича маълумотларни узатиш, ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 0,1% сарфлайди. Бундан келиб чиқиб GPRS маълумотларни узатиш технологиясидан фойдаланиш фотоэлектрик ўзгартиргичлар томонидан электр энергиясини ишлаб чиқаришда иқтисодий самаралироқдир.

Чиқимларни қоплаш даври (*payback period*) қопланишгача бўлган давр сифатида белгиланади. Чиқимларни қоплаш даври лойиҳалаш топшириғида кўрсатилган пайтдан бошлаб ҳисобланади (одатда лойиҳа бошлангандан (нол босқичнинг бошидан) ёки операцион фаолият бошланишидан). Чиқимларни қоплаш даври ҳисоб-китоб давридаги энг дастлабки вақт ҳисобланади, ундан кейин тўпланган соф даромад кейинчалик ҳам ижобий бўлиб қолаверади.

Таклиф этилаётган мониторинг тизими хизмат кўрсатиладиган объектга ўрнатилганда бир вақтнинг ўзида 24 574 000 сўм сарфланади, аммо ушбу мониторинг тизими ўрнатилгандан сўнг 19 426 000 сўм миқдорида иқтисодий самара кутилмоқда.

ХУЛОСА

Диссертация мавзуси бўйича олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида куйидаги умумий хулосалар шакллантирилди:

1. Фотоэлектрик модулларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш ва ташхислаш кўп функцияли қурилма ва алгоритми ишлаб чиқилган. Электрон юқламалар яримўтказгич мосламаларга асосланган ва кичик қаршилиқларга эгадир. Шу сабабга кўра, қисқа туташув токи I_{sc} волт-ампер характеристикаси

кучланишини нол қийматгача экстраполяция қилиш орқали ҳисобланиши аниқланди. Максимал қувват P_{mp} атрофида нуқталар етарли бўлмаган ҳолатларда, максимал нуқтадаги кучланишни V_{mp} аниқлаш, максимал ноаниқлиги $\pm 0,5\%$ дан ошмайдиган интерполяция усули қўлланилиши кераклиги аниқланди.

2. Интернет тармоғи мавжуд бўлганида исталган қурилмадан ва жойдан кириш имконини берадиган, реал вақт мобайнида масофадаги серверга маълумотларни узатиш қурилмаси ва алгоритма яратилди. 5 кВт қувватли фотоэлектрик тизим ишлаб чиқараётган электр энергиясининг 37% тежаш имконини берадиган, маълумотларни симсиз узатиш қурилмаси асосидаги таклиф қилинаётган технологиядан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги асосланган.

3. Кўп функцияли қурилманинг аниқлик даражасини билиш учун фотоэлектрик модулнинг ҳар бир параметрларининг R^2 қийматлари ҳисобланган. Тижорат қурилмаси ва кўп функцияли қурилма ёрдамида ўлчанган фотоэлектрик модулнинг чиқиш параметрларининг ўртача нисбий хатоликлари 0,7% дан 3,1% гача бўлган қийматларни ташкил этиши аниқланди.

4. Масофадаги серверга маълумотларни симсиз узатиш қурилмаси ва фотоэлектрик модулнинг чиқиш параметрларини ташхислаш ва бошқариш кўп функцияли қурилмасидан фойдаланишнинг техник-иқтисодий самарадорлиги асосланди. Ўз-ўзини қўлаш муддатлари турли хил сценарийлар бўйича аниқланди, қурилма ва мониторинг тизимидан фойдаланилганида 19 426 000 сўмлик иқтисодий самара бериши аниқланди, (Маълумотнома №04-1/2409 23 декабр 2020 йил, «UZELTEXSANOAT» уюшмаси).

5. Ишлаб чиқилган қурилмалар ва дастурий таъминотлар асосида, қайта ишлаш мақсадида маълумотларни масофадаги серверга симсиз узатадиган ва фотоэлектрик модулларнинг чиқиш параметрларини аниқлайдиган мониторинг ва ташхислаш тизими таклиф этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РbD.03/30.09.2020.Т.111.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ЭКОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ДАВРОНОВ ШОХЖАХОН РИЗАМАТ УГЛИ

**РАЗРАБОТКА МНОГОФУНКЦИОНАЛЬНОГО УСТРОЙСТВА
ДИАГНОСТИКИ И УПРАВЛЕНИЯ ВЫХОДНЫХ ПАРАМЕТРОВ
ФОТОЭЛЕКТРИЧЕСКИХ МОДУЛЕЙ**

05.05.06 – Энергоустановки на основе возобновляемых видов энергии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Карши – 2021

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/T704

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете и в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.qmii.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNeb» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Вардияшвили Афандил Аскарлович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Юлдашев Исроил Абриевич
доктор технических наук, доцент
Файзиев Тулкин Амирович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «1» Ноябрь 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.09.2020.T.111.03 при Каршинском инженерно-экономическом институте. (Адрес: 180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, 225. Зал конференции Каршинского инженерно-экономического института. Тел: (99875) 221-09-23, факс: (99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Каршинского инженерно-экономического института (зарегистрирована за № ___). (Адрес: 180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, 225. Тел: (99875) 221-09-23, факс: (99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан «18» Октябрь 2021 г.
(Регистр протокола рассылки № 4 от «16» Октябрь 2021 г.)


Г.Н. Узakov
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, проф.

Х.А. Давлонов
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по техническим наукам

Б. Уришев
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор технических наук, проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире интеграция фотоэлектрических систем в общую сеть электроэнергии стало актуальной задачей для многих стран, поскольку существует растущий спрос на использование возобновляемых источников энергии по сравнению с традиционными источниками. Глобальная установленная мощность для солнечной энергетики продемонстрировала экспоненциальный рост, достигнув около 290 ГВт в конце 2016 года. Согласно статистике международного агентства возобновляемой энергии (IRENA), по мощности возобновляемой энергии Китай является ведущим производителем солнечной энергии, за ним следуют Япония, Германия и США. Кроме того, по объемам солнечной установленной мощности по регионам лидирует Европа с более чем 98,8 ГВт, за ней следует Азия с 92,3 ГВт. Суммарная совокупная установленных мощностей ФЭП на конец 2019 года достигла 627 ГВт по проведенным анализам международного агентства энергии (IEA PVPS)². Исходя из вышеприведенных данных, можно отметить, что использование фотоэлектрических систем растет с каждым годом, и соответственно, применение автоматизированных систем с высокой эффективностью на основе современных информационных технологии является востребованным.

В мире сегодня бурно развивается производство электроэнергии с помощью фотоэлектрических систем в отличие от традиционных технологий, наравне с этим уделяется большое внимание на мониторинг их производительности. Многие международные университеты занимаются целевыми исследованиями, например: университеты “Nanjing Normal University” и “National Taiwan University of Science and Technology” занимаются исследованиями по отслеживанию точки максимальной мощности фотоэлектрических систем на основе нейронных сетей; Французский университет “University Savoie Mont Blanc” занимается вопросами по мониторингу и диагностике производительности фотоэлектрических преобразователей, а также изучением проблем по интеграции фотоэлектрических систем в общую электрическую сеть; университеты “Polytechnic University of Bucharest” и “University of Liverpool” занимаются исследованиями по разработке алгоритмов и программ по прогнозированию выработки электроэнергии и предотвращением непредвиденных сбоев влияющих на работоспособность фотоэлектрических систем.

В нашей Республике уделяется особое внимание на разработку измерительных устройств и систем на основе современных информационных технологии, экономии топливных ресурсов и повышение производительности выработки электроэнергии фотоэлектрическими системами. Согласно Постановлению Президента ПП-4422 от 22.08.2019 года предусмотрено доведение доли возобновляемых источников энергии к 2030 году до более 25

² International Energy Agency. Retrieved 2 May 2020. https://iea-pvps.org/wp-content/uploads/2020/04/IEA_PVPS_Snapshot_2020.pdf

процентов от общего объема генерации электрической энергии. Исходя из этого, предусмотрено, что установленная мощность солнечной энергетики Узбекистана к 2030 году будет составлять не менее 4 300 МВт. В связи с этим считается важным развитие сферы, энергоустановки на основе возобновляемых видов энергии с помощью разработки и внедрения новых технологий в сфере преобразования солнечной энергии в электрическую энергию, фундаментальные и прикладные исследования в результате эффективного использования фотоэлектрических преобразователей. Немало важным считается разработка устройств для удалённого мониторинга и диагностики выработки электроэнергии фотоэлектрическими системами в реальном времени, с учётом влияния параметров окружающей среды.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Законе Республики Узбекистан №ЗРУ-539 от 21 мая 2019 года «Об использовании возобновляемых источников энергии» и Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4422 от 22 августа 2019 года «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой области.

